

Қуйида Кекишнинг эътиқодлари деб аталган ва Дейв Кекиш ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб тузган эътиқодлар рўйхати келтирилган.

Биз ушбу эътиқодларни бебаҳо деб ҳисоблаймиз ва сизга уларни қуйи онгингизга ёзишни маслаҳат берамиз. Буни дастурда берилган тавсиялар асосида амалга оширишингизни сўраймиз.

Ушбу установкаларни ўқиш ва уларни жорий қилиш зийракликни ва аниқликни оширади, шунингдек барча соҳаларда, шахсий ҳаётингизда ва бизнесда ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Стратегик Тадбиркорнинг 100 Кредоси (эътиқоди)

1. Одамлар қулайлик зонасида қолиш учун барча ишни қилишади. Агар сиз бирор нарсага эришмоқчи бўлсангиз қулайлик зонасидан чиқинг. Ўз ҳаётингизда интизом ва тартибни кўтаришга ҳаракат қилинг. Ўзингизни интизомли қилишнинг оддий усуллари қуйидагилар: 1) муддат қўйиш, 2) сиз бошқалардан яхшироқ қила оладиган, муҳим бўлган ва қилишдан роҳатланадиган нарсаларингизни излаб топиш ва қилиш, 3) одатларингизга эътибор қаратиш, аста-секин ёмон одатлар ва фикрлаш моделларини яхшиларига алмаштира бориш.

2. Вақтни асранг, бу энг қадрли ресурс. Йўқотган вақтингизни ҳеч қачон қайтариб ола олмайсиз. Ҳаётда бахтга эришишни истаган ҳар битта самарали киши учун бу жуда қадрли нарсадир. Вақт – бу истаган нарсага эришишда ягона чегарадир. Вақтни бекор йўқотиш - ҳаётингизни йўқотишдир. Ҳаётингизда амалга оширадиган энг асосий танлов – бу вақтингизни қандай ишлатишни танлашдир.

3. Истаган бир таклиф қилишдан, ваъда бериш ёки мажбурият олишдан олдин диққат билан ўйлаб кўринг. Берилган ваъдалар ҳурмат қилиниши керак. Бу ўзингизга берилган ваъдаларга ҳам тааллуқли.

4. Фақатгина ишга тўлиқлигингизча берилмаганингиздангина афсусланиш мумкин. Бошқа барчаси сизнинг назоратингиз ҳудудидан четдадир. Сизни фақат натижаларингизга қараб баҳолашади. Ўзингизни оқлашларингиз, баҳоналарингиз ва “уринишларингиз”ни натижаларга алмаштиринг. Оз ҳаракатдан оз натижа кутинг. Ҳамиша сиздан кутишганидан кўпроғини қилинг. Агар сиз ҳаётингизни “қаттиқ усулда” яшасангиз у энгил, ҳамма нарсани энгил олмоқчи бўлсангиз – у оғирдир.

5. Лойиқ одамларга ҳаммиша миннатдорчилик билдиринг ва иложи борица моддий рағбатлантиринг.

6. Бойлик яратиш ва йиғишга интилинг. Даромадни давлат йиғиш ва уни оширишга инвестиция қилинг. Сарфлаганингиздан кўпроқ ишлаб чиқаринг ва камида ишлаб топганингизнинг 20% ини йиғиб қўйинг. Энг аввало ўзингизга тўланг.

7. Сизга ўзингизнинг КИМ ва НИМА эканлигингиз ёқсагина муваффақиятлисиз. Муваффақият ўз ичига мақсадларга эришишни, қайси фаолият билан шуғулланишни ўзингиз танлашингизни ҳам олади. Бу дегани – интим муносабатлардан лаззатланиш ва қилаётган ишингизни яхши кўришингиз деганидир.

8. “Монстр”лардан (катта компаниялардан) ўрганинг.
9. Кичик эҳтиёткорлик катта муаммолардан сақлаб қолади. Яхшига умид қилинг, лекин ёмонига ҳам тайёр бўлинг. Жисмоний ва моддий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлинг ва ҳиссий тўсиқлар қўйинг. Ўзи ҳимояга муҳтож бўлган киши бошқаларни ҳимоялай олмайди.
10. Музокараларда ҳамкорингизнинг эҳтиёжларини ўрганинг. Фақат зарур минимум ахборотнигина очинг, ҳеч қачон оппонентларингизни паст баҳоламанг ва музокара вақтида заифлигингизни кўрсатманг.
11. Ҳеч қачон олдин диққат билан текшириб кўрмасдан ва яхши ўйланган бизнес-режасиз бизнесга кирманг ва инвестиция қилманг. Режага иштиёқ билан аниқ риоя қилинг. Ўз ҳаётингизни ҳам ҳудди шундай режалаштиринг ва бошқаринг.
12. Эътиборни жамлаш кўникмаси бор кишиларгина тезда муваффақиятга эришишлари мумкин. Биринчи қоида – аниқ йўналтирилган саволлар беринг.
13. Муваффақиятсизликка учраб қолиш эҳтимоли учун Б режангиз бўлсин. Ҳаражатларни камайтиринг, қисқартиринг, назорат қилинг ва даромаднинг ошишига руҳсат беринг. Бу катта кучни талаб қилади.
14. Бизнеснинг асосий мақсади мижозларни жалб қилиш, сақлаб қолиш ва етилтиришдир. Маркетинг ва инновациялар натижа беради. Ҳар битта мижоздан даромад олиш ва уни кўпайтириш ҳамда сотиш частотаси маркетинг ва бизнеснинг асосидир.
15. Агар натижадан моддий манфаат кўрмасангиз, бу иш бермайди. Фақат натижаларга қараб пул тўланг. Хусусий мулкчиликка асосланган манфаат – шу пайтгача маълум бўлган энг таъсирчан манфаатдир. Ҳамиша рағбатлантирган ва мукофотлаганингиздан кўпроғини қўлга киритасиз.
16. Компетенция сиз ўз меҳнатингизга кафолат берган пайтингиздан бошланади.
17. Ҳаёт – бу деградация (таназзул) кучларига қаршиликдир. Шунинг учун Коинот ҳаёт учун душмандир. Ривожланиш – бу доимий равишда оқимга қарши зўр бериб сузишдир.
18. Иш берадиган нарсани топинг ва уни кўпроқ қилинг. Дастлаб приоритети юқори бўлган нарсаларни қилиб, маънога диққатингизни қаратинг, фақат шундан кейин ушбу ишларни ўзлаштиринг ва деталларига ишлов бериб, тўғри бажаринг. Бир нечта элементар яхшилашлар катта натижа ва даромад беришади.
19. Ҳоялар, меҳнат, пул, вақт ва одамлар ричагидан фойдаланинг. Даромадни максимал ошириш учун сиз ўзингизни бошқалар билан алмаштиришингиз керак. Шунда пул потенциалингиз чизиқли эмас, геометрик ошади.
20. Рационаллаштириш – бу одатда, ҳақиқатдан қочишнинг қулай усулидир ҳамда фирибгарлик, хатолар ва ялқовликда ўзини оқлаш учун ишлатилади.

21. Ҳамиша аниқ мақсадингиз бўлсин ва уни интенсив равишда визуаллаштиринг. Агар ўз мақсадингизга эришмасангиз, ҳақиқатан ҳам ўлишингиз ёндашувини қабул қилинг. Эътиборингизни бир ондаёқ жамлаш учун пешанангизга тўппонча тирашганини тасаввур қилинг. Бу миянгишни интизомга ўргатади ва вақтдан самарали фойдаланишга мажбур қилади. Ақлингизни шунга ўхшаш усуллар билан рағбатлантиринг ва натижага тезда эришиш йўллари топиш учун босим ҳосил қилинг.

22. Сиз таклиф қилаётган хизматнинг қадри у кўрсатилгандан кейин кескин пасаяди. Ҳамиша тўловни хизмат кўрсатишдан ОЛДИН олинг.

23. Олдинги аждодларимизнинг жон бериб уринишлари ва меҳнати биз ҳозир совға, шундай бўлиши керак бўлган нарса сифатида қабул қиламиз. Ҳар бир кунимизни биз умуман мавжуд бўлганлигимиз учунгана байрам қилишимиз керак. Сизнинг ҳаётингиз – бу ҳақиқий дурдонадир ва сиз уни суяқларингизгача кадрлашингиз керак. Юқори чўққиларга эришаётиб биз олдинги авлодлардан олган туртки ва импульсдан фойдаланинг.

24. Иштиёқ юқумлидир ва кўпгина камчиликларни ёпади. Бошқалар сизнинг ёнингизда бўлишга интилишади.

25. “Тоғангизга” ишлашингиз сизга давлат орттиришингизга жуда кам имконият беради. Ўзингизни бизнесингизни қуришингизда сизнинг “яхши”га ишлашингизнинг ўзи бой бўлишингиз учун етарлидир.

26. Тўғри овқатланинг, жисмоний машқлар билан шуғулланинг, уйқу ва дам олишга шунингдек бошқа бўшашиш, тинчланиш ва кучингизни тиклаш усуллари эътибор қаратинг.

27. Максимал ҳаракат қилиш ёки ялқовликнинг етовида юриш – бу сизнинг ҳаётингиздаги асосий танловдир ва у сизнинг характерингизни, моддий ҳолатингизни ва келажагингизни белгилаб беради. Ушбу ҳал қилувчи танлов тўхтамасдан, бутун ҳаётингиз давомида амалга оширилиши керак. Потенциалингизни очишингиз – бу сизнинг яшашингиздаги энг муҳим нарсадир.

28. Ўз фикрлашингизни актив равишда ривожлантириш ва интеллектуал жиҳатдан тўхтамасдан ривожланинг. Сиз ё ривожланасиз ёки таназзулга юз тутасиз. Ҳеч нима бир жойда қола олмайди.

29. Кўпчилик эришганларингиз (ва муаммолардан қочишингиз) аниқ ва ишончли коммуникациялар орқали қурилади. Бу гапнинг маъносини тушуниш, диққат билан тинглай олиш, аниқ саволлар бериш кўникмаси, гапиришдан олдин ўйлаб кўриш ва тескари алоқага эътибор бериш деганидир. Коммуникация соҳасида экспертга айланинг.

30. Қачон сиз қобикни ташлаб юбориб, нарсаларнинг маъносини кўра ва тушуна бошлаганингиздагина ҳокимиятга эга бўласиз. Барча ташқи таъсир манбаларини аниқланг ва уларни ички куч ва компетенция билан алмаштиринг. Тўлиқ назоратга олинг ва онгли ақл ҳамда ҳаётингизнинг барча соҳалари учун жавобгарликни ўз зиммангизга олинг. Ҳаёт ёки бизнеснинг истаган соҳасида боғлиқлик ва нокомпетентлик бепарволик, нораціоналлик ва манипуляцияларни келтириб чиқаради.

31. Агар қийин шароитда ҳалол бўлиш учун онгли кураш бўлмаса, сизнинг нопок бўлишингиз эҳтимоли жуда юқори. Ҳаммаси яхши бўлганда ва довга оз нарса тикилганда характерни текшириб кўриш мумкин эмас.

32. Ҳақ бўлганинда келишишга уринма. Ўз далилларингизга содиқ бўлинг, жасурлик кўрсатинг, керак нарсани сўранг ва оппонент ҳамиша рози бўлади.

33. Агар шароит узоқ муддатли истиқболда нотўғри бўлса, ундан дадил кет. Барча фаолият соҳаларида узоқ муддатли истиқболни кўзла. Ҳудди вақтингиз жуда кам колгандек яшанг, лекин боқий умр кўрадигандек режалаштиринг.

34. Фақат тўлиқ ва аниқ экспертизадан кейингина инвестиция қилинг. Сизни бирор нарса билан қизиқтиришларига йўл қўйманг. Муҳим қарорларни эҳтиёт бўлиб қабул қилинг, ички ҳисларингизга қўлоқ тутинг ... ва шундан кейингина тепкини босинг.

35. Стресс ўлдиради. Бу қисқа муддатли истиқболда қанчалик оғриқли бўлса ҳам ўз ҳаётингиздан барча стресс ҳолатларни йўқ қилинг.

36. Устама харажатларни минимумгача туширинг. Кўпроқ ақлга, билимга ва талантга, камроқ – пулга ишонинг.

37. Бизнес – бу онг ва ахлоқнинг энг юқори ривожланиш даражасидир. Бизнеснинг моҳияти – бу ҳалоллик, қунт, жавобгарлик, интеграция, объективлик, креативлик, узоқ муддатли режалаштириш, интенсивлик, самарадорлик, интизом, фикрлаш ва назоратдир. Бизнес – бу ҳамиша ва ҳамма даражаларда ҳаётдир.

38. Фақат ишлаб топганингизгина ҳақиқий кадрга эга. Бепул нарса камдан-кам ҳоллардагина кадрланади. Ҳеч нимани ҳеч нимага ола олмайсиз. Бунинг баҳоси жуда қиммат бўлади.

39. Ҳалол ва қудратли шахсий фалсафага таянсангиз, ҳалол, бенуқсон, мустақил бўласиз ва ўз ҳаётингиз устидан назоратни сақлаб қоласиз. Тўғри фалсафа бўлмаса, вақти келиб ҳаётингиз картадан ясалган уйча каби қулайди.

40. Кичик лойиҳалар ва бизнесларни ташкил қилиш ҳамда бошқариш ҳудди катталари каби вақтингиз ва энергиянгни талаб қилади. Фақат катта лойиҳалар тегишлича катта мукофот келтиришади.

41. “Озгина ўғрилиқ” ёки “салгина пасткашлиқ” каби тушунчаларнинг ўзи йўқ. Бу “салгина ҳомиладор” бўлиб қолишга ўхшайди.

42. Ўз мисолингизда кўрсатинг.

43. Ўз ҳаракатларингиз ёки ҳаракатсизлигингиз учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммангизга олинг. Хатога йўл қўйган киши тўлаши ҳам керак.

44. Бир соатлик самарали, мақсадга йўналтирилган, интизомли ақлий ҳужум бутун бир ой давомида оғир меҳнат қилишнинг ўрнига ўтади. Фикрлаш – бу бизнесда ҳам ҳаётда ҳам энг оғир жараён дир, бу бизнеснинг мазмуни дир. Империялар бошқалар кўнгилхушлиқ қилаётган пайтда ... асосчиларнинг тизимли ақлий меҳнати асосига қурилади. Агар сиз мақсадга йўналтирилган интеграциялашган фикрлашни ҳаракатга

келтириш учун онгли равишда куч сарфламасангиз; агар сиз ўз ҳиссиётларингиз чегарасидан ташқарида ҳаракат қилмасангиз ва бунинг ўрнига энг кам қаршилиқ йўлини танласангиз, унда сиз – ялқовликнинг қулидирсиз, ёмон қарорлар қабул қиласиз ва ўз ҳаётингизни назорат қилмайсиз.

45. Ўз рақобатчиларингиздан топқирлик, ўйлай олиш қобилияти, инновацияларни тезда жорий қилиш ва ғайрат билан ҳаракат қилиш борасида устунлик қилинг. Истаган бир ишга ёки рақобат курашига киришишдан олдин ўзингизни ғолиб сифатида ёрқин рангларда тасаввур қилинг. Иш охирига етмагунча қон ҳидини сезиб туринг, ўзингизни ўлим учун курашга киришган қирувчи самолёт учувчиси сифатида тасаввур қилинг.

46. Биринчи таассурот – энг кучли таассуротдир. Ўзингизнинг энг яхши нарсаларингизни олдинги қаторда кўрсатинг. Одамлар сизга уларни қандай ўргатсангиз ва ўзингизга қандай муносабатда бўлишларига рухсат берсангиз, шундай муносабатда бўлишади. Муваффақият калити уларнинг кун тартибида ўзингизни ТОП позицияда кўратишингиздадир.

47. Тўғри ҳаракатлар, одатда, энг енгил ҳаракатлар бўлмайди. Сиз ҳақиқат учун ўзингизнинг машҳурлигингиздан воз кечишингиз ёки ёлғон учун ўз қадр-қимматингиз ҳиссидан кечишингиз мумкин. Йўқ дейишдан кўрқманг.

48. Бир марта ёлғон гапирган минг марта ҳам ёлғон гапиради. Ёлғон – бу пасткашлар ва кўрқоқлар учундир.

49. Бошқа одамларнинг эришганларига чуқур ҳурмат билан қаранг. Фақат омадсизларгина бошқаларнинг эришганлари ва мулкини ҳурмат қилишмайди.

50. Ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлаганингиздан кўра натижаларингизни кўрсатганингиз афзал. Натижага эришиш учун бошқаларнинг компетентлигини, уларнинг нуқтаи назарини, эҳтиёжларини ва истакларини тушунишга ҳаракат қилинг. Шундан кейин нима тўғри, қонуний, самарали, рационал эканлигини аниқланг ва тегишлича ҳаракат қилинг.

51. Узоқ муддатли муваффақият ҳурмат қилишга лойиқ одамлар билан ўзаро ишончга асосланган, барқарор алоқалар ва ишончга қурилади. Ярамас, пасткаш, салбий ва ялқов одамлар билан барча алоқларингизни узинг ва сизнинг қадриятларингизни қадрлайдиганлар билан алоқа қилинг. Дўстингиз ким бўлса, сиз ҳам унга ўхшайсиз.

52. Сиз устидан назорат қила олмайдиган шароит учун ғам ейиш, фақат умидсизликка олиб келади. Пулдан ташқари ҳеч нимани ўзингизга олманг.

53. Кўпроқ вақтингизни “бизнесда” эмас, бизнес “УСТИДА” ишлашга сарфланг.

54. Уларнинг кейинги 10 йил ичидаги фаолиятлари ҳақида ахборотга эга бўлмай туриб, нотаниш одамлар билан тадбиркорлик алоқаларига киришманг. Агар уларнинг яхши тадбиркорлик обрўси бўлмаса, ҳамкорлик қилманг. Ахборот манбаларининг ишончлилигини текширинг.

55. Ҳаётдан лаззатланинг. Унга саргузашт сифатида қаранг. Натижалар ҳақида иштиёқ билан ғамхўрлик қилинг ва истиқболга қаранг. Нарсалар ҳаммаси ёмон

пайтида кўрингандек ёмон эмаслар ва ҳаммаси яхши кетаётган пайтдагидек яхши эмаслар. Ўзингизга олманг ва узоқ яшайсиз.

56. Ноаниқлик эътиборни чалғитади, шунинг учун мақсадларингизни аниқ белгиланг. Кейин эса ҳеч нимага сизнинг мақсадингизга эришиш йўлингизда туришига имкон берманг.

57. Сиз ирода кучини ҳалоллик ва компетенция билан биргаликда қўллаб, истаган ишни бажаришингиз мумкин. Кучли етакчилик – бу эришишнинг калитидир.

58. Сизнинг кимлигингиз, нималигингиз ва ҳаётда эгаллаган ўрнингиз учун фақат сиз тўлиқ жавобгарсиз. Агар ҳеч нимани ўзгартирмасангиз, бир йилдан кейин ҳам ҳудди шу нарса бўлади. Шароитлар муҳим эмас, сизнинг уларга қандай реакция билдиришингиз муҳим. Реал ҳаётда яшанг.

59. Эҳтиросли истак – бу етишишнинг асосидир. Дунё миқёсида муваффақиятга эришган кишилар қоникмасликнинг энг юқори даражасидалар. Омадсизларда эса бу сифат энг пастдир. Кучли истак пайдо қилишнинг энг яхши усули – бу келажагингизни қатъий танлашдир.

60. Ҳаётингизнинг барча соҳаларини интеграцияланг (тана, ақл, қалб, алоқалар, бизнес). Интеграция жараёни англаш ва ҳатто умуман алоқадор бўлмаган нарсалар орасида ҳам боғлиқликни кўра олиш демакдир. Буни қила олиш – инноватор даҳонинг белгисидир.

61. Адашишдан сақланинг. Нообъектив натижалар билан алданиш ўз ғурурингизни йўқотишингиздир.

62. Агар ҳаётингизнинг мақсади хавфсизликдан иборат бўлса, сиз омадсизга айланасиз. Хавфсизлик бахтнинг энг паст поғонасидир.

63. Агар барча томонлар фойда олмайдиган бўлишса, келишувга рози бўлманг. 50/50 ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас. Ҳамиша нотенглик бўлади.

64. Ҳар йили ўз фаолиятингизнинг базавий асосларини қайта кўриб чиқинг.

65. Хафагарчилик, ҳасад ва жаҳл душманларингизга куч беради ва сизни қулга айлантиради. Салбий фикрлаш охир-оқибатда мулкингизнинг йўқолишига олиб келади. Бу мулкка қаршидир, демак капитализмга ва ҳаётга ҳам қарши. Кечиринг, хулоса чиқаринг ва яна йўлингизда давом этинг.

66. Кўпчилик одамлар 90% вақтларини ўзлари кучли бўлмаган, қилишни ёқтирмайдиган нарсаларга, фақат 10% вақтларини уларга қобилиятларига, максимум роҳат бағишлайдиган, бошқаларга нисбатан яхшироқ қиладиган ишларига сарфлашади. Даҳолар ушбу 90%ни бошқаларга юклашади ва ўз вақтларини ўзларининг уникал қобилиятларини ривожлантиришга сарфлашади (агар сиз [Бизнесда йўналишни танлаш](#) курсини ўтамаган бўлсангиз, буни тезроқ қилинг).

67. Шахсий ғурурнинг юқори даражаси фақат юқори самарадорлик, яхши ишлар ва эришганларингиздан пайдо бўлади.

68. Жуда кўплаган янги имкониятлар мавжуд. Уларни актив равишда излаб топинг, аниқлашни ўрганинг ва уларнинг устунлигидан фойдаланинг.

69. Қўллаб кўрилмаган ва амалга жорий қилинмагунча яхши ғоя деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмас.

70. Максимал даромад олиш учун кенг эҳтиёжлар, истаклар ва тенденцияларни аниқланг ва сотинг. Бозорда истакнинг (талабнинг) яратилиши, эҳтиёжларни қондириш ва креатив инновациялар ёрдамида муаммоларни ҳал қилиш – даромад яртишнинг асосидир.

71. Имкониятларни максималлаштириш учун мураккаб нарсани қидириб топинг ва унда уста бўлинг. Асосий ечимлар жуда оддий ва рақобат – жуда паст бўлади.

72. Сизда ҳамиша танлаш имконияти бўлиши керак. Турли опцияларнинг бўлиши – куч манбаидир. Шунингдек куч нарсаларни ўзимиз кўришни истагандек кўришдан эмас, балки қобикни олиб ташлаб, нарсаларни борича кўриш кўникмасидан ҳам пайдо бўлади.

73. Кўпинча энг яхши тайёрланган киши енгиб чиқади. Даҳолик узоқ муддат ишлаш ва репетициянинг натижасидир.

74. Сабр даромадлидир. Муваффақият ҳар куни қайтариладиган кетма-кет кичик ҳаракатларнинг йиғиндиси натижасидир.

75. Қатъийлик ва ишдаги сифат – бу муваффақият томон тўғри йўлдир. Ҳеч қачон таслим бўлманг!

76. “Мен бунга қиламан!” – натижага элтувчи ягона установкадир. “Уриниб кўраман” ёки “Ўйлаб кўраман” иш бермайди.

77. Ишда ўз порциянгизни катталаштириш ўрнига бутун пирогнинг ўлчамини оширинг.

78. Мукофот камдан-кам ҳоллардагина таваккалчилик бўлмайди, лекин фақат ҳисобланган таваккалчиликкагина боринг. Муваффақиятга эришиш имконияти муваффақиятсизликниқидан кўпроқ эканлигига ишонч ҳосил қилинг.

79. НИМАНИ олишингизга нисбатан уни ҚАНДАЙ олишингиз муҳимроқдир. (Мақсаднинг ўзига нисбатан унга ҳалол эришиш муҳимроқдир)

80. Истаган мулоқотда, келишувда самимий ва ўта аниқ бўлинг. Хулоса қилинг ва муҳим музокараларни ёзиб олинг... ва барча томонларнинг розилигига ишонч ҳосил қилинг. Келишувларни қоғозга туширишингиз тушунмовчиликларнинг олдини олади. Хотира ишончсиз ва ўлим ҳақдир.

81. Ҳаракат бошлашнинг энг яхши усули – бу ҳаракатни бошлашдир. Ҳаёт ҳаракатларни мукофотлайди, ҳаракатсизликни эмас. Ҳеч нимани кутманг, ҳаётга ҳужумга ўтинг. Ўлгунингизча режалаштирманг ва рухсат сўраманг, ҳозироқ ҳаракат қилинг. Керак бўлса, кейин кечирим сўрайсиз.

82. Ҳамма нарсани савол белгиси остига қўйинг. Бу қулай бўлгани учунгина ниманидир тўғри ёки ҳақиқат деб қабул қилманг. Ўз тасаввурингиздан ҳар битта нарса ҳақидаги барча чегараларни олиб ташланг ва истаган хато, муаммо ёки инқирозни ҳал қилишнинг шаблон бўлмаган ечимини қидиринг. Агар бу фойдали бўлса, эгилувчан ва ўзгаришларга тайёр бўлинг.

83. Хурсанд бўлинг ва қувонинг. Муваффақиятли ва бахтли ҳаётнинг оддий калити – бу сизни хурсанд қиладиган ва максимум илҳом берадиган дам олиш турини топишингиздир.

84. Эртами-кечми қарилик келади, бунга тайёрланинг.

85. Яратиш ва оч қолишдан биттасини танлаш керак бўлса, ҳеч ким оч қолишни танламайди.

86. Сиз истаган нарсангизни эмас, кутаётганингизни оласиз. Ўз ҳаётингизни иижобий кутишлар билан тўлдиринг. Энг яхшисини сўранг. Тўғри муносабат ва эҳтиросли истак мақсадга эришишнинг 90%ини ташкил қилади. Ҳар ким физик механикани ўргана олади.

87. Бизнес мақсадларга эришишнинг энг осон усули бошқа одамларга хизмат қилишни ўзингизнинг асосий приоритетингизга айлантиришингиздир. Муваффақиятнинг калити бошқаларнинг ҳаётига қадрият қўшишдадир.

88. Барқарор ва узоқ муддатли бахт манбаи ҳеч қачон ташқаридан – қадриятларни истеъмол қилишдан келмайди, у ичингиздан – қадриятларни яратишдан пайдо бўлади. Истеъмол қиладиганингиздан кўпроқ ишлаб чиқариш – яшаётганлигингизни оқловчи ягона баҳонадир.

89. Эътиборсиз қолдирилган муаммолар ҳал бўлмайди, балки баттарлашади. Кутиш ва муаммолардан қочиш ёки улар билан дастлабки босқичдаёқ учрашиш – сизнинг танловингиз. Қўрқувни унга ҳужум қилиб енгишади.

90. Ҳар битта имконият бўлган пайтда кулиш учун сабаб топ, айниқса ўзингни ёмон ҳис қиладиганингизда.

91. Агар кимдир ўзининг ҳалоллиги ва эришганлари ҳақида кўп гапирса, демак у нопок ва омадсиздир.

92. Мураккаб фоизнинг сеҳрли кучини эсдан чиқарманг. Ҳар бир сўм ишлаши керак.

93. Сиз қилган энг яхши инвестициялар – бу билим олиш учун инвестицияларингиздир. Ўзингизга инвестиция қилинг. Кунига ўттиз дақиқа ўқишга сарфлашингиз охир-оқибатда сизнинг истаган соҳада экспертга айланишингизга сабаб бўлади, фақат ушбу билимларни қандай ишлатишни билсангиз. Фақат билимнинг ўзи амалиёт ва тажрибанинг ўрнини боса олмайди. Ўрганиш ҳамиша оғир ва секин бўлади.

94. Ҳар битта муҳим ҳаракатнинг олдидан ўзингиздан сўранг, агар бу ҳаммага маълум бўлса, уялиб қолмайсизми? Обрў бутун умр давомида яратилади, аҳмоқона ҳаракат эса уни бир зумда бузади.

95. Сиз ўзингиз ишонган нарсангиз ва кун бўйи ўйлайдиган нарсаларингиздирсиз. Доимий равишда ўзингизнинг фикрларингиз мониторингини ўтказиб туринг.

96. Скептицизм (шубҳаланувчанлик) рационал фикрлаш калитидир. Ўзингизнинг ардоқли ишончларингизга нисбатан айниқса кўпроқ скептик бўлинг. Сиз хато қилишингиз мумкин ... ва ҳамма нарса ўзгаради.

97. Қўрқув, одатда, назоратнинг, ташкилотчиликнинг, тайёргарликнинг ёки ҳаракатнинг йўқлиги натижасидир.

98. Фикрлашни кучайтиришнинг биринчи қоидаси – бу диққатли ва сезгир кузатувчи бўлишдир. Ҳеч нимага баҳо берманг. Кўр-кўрона ишонч асосида ҳеч нима қилманг. Агар соғлом фикрга қарши бўлишса, ҳиссиётлар таъсирига берилманг. Кузатиш – бу билимлар ва ривожланишнинг бошланишидир. Шунингдек у ҳар битта фикрловчи кишининг методи – Илмий Методда биринчи ва охириги босқичидир. Бутун фан ва энг кўп ривожланиш илмий методга асослангандир (олим эмаслар ундан керак бўлганда фойдаланишади). Методнинг кетма-кетлиги қуйидагича: 1) Илмий кузатиш (тадқиқот) – фактларни йиғиш ва рационал ташкиллаштириш. Айнан шу ерда одамлар кўпинча адашишади. 2) Индуктив хулоса чиқариш – гипотезаларни шакллантириш ва йиғилган фактларни умумлаштириш. 3) Экстраполяция – сиз тадқиқот ўтказа олмайдиган соҳаларда гипотезаларга асосланиб лойиҳалар ва башоратларни яратиш. 4) Илмий кузатиш – гипотезани амалда текшириш.

99. Тажриба – бу сиз билан содир бўлаётган нарса эмас. Бу сиз билан содир бўлаётган нарсаларга нисбатан ҳаракатларингиздир. Ақллилар ўз хатоларида ўрганишади, даҳолар эса бошқаларнинг хатолари ва тажрибаларида ўрганишади ҳамда фойда олишади.

100. Ҳаётнинг мақсади – ўлимни кечиктириш, ундан қочиш ва унга тескари йўналиш беришдир.

Дўстларингизга тавсия қилинг

Агар сиз дўстларингиз ушбу 100 кредодан катта фойда олишлари мумкин деб ҳисобласангиз, уларга бу материалларни жўнатинг.

Телеграм ва Инстаграмга ёзилинг

Telegram ва Instagramda Мардон Машарипов стратегик фикрлашга ёрдам берувчи ўз фикрларини, мақолаларини бериб боради. Телеграмдаги каналимизда ушбу ишорат орқали ёзилинг

https://t.me/intellekt_formula

Инстаграмдаги каналга ёзилиш учун қуйидаги ишорат бўйича ўтинг

<https://www.instagram.com/intellektformula/>

Intellect Formula дан бепул тарқатмани олинг